

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Давлатобод туман бандликка
кумаклашиш ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш маркази**



раҳбари Б. Турсунов

14 март 2022 й.

БУЮРТМАЧИ:

**Давлатобод туман бандликка кўмаклашиш ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази**

Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод туманидаги кам таъминланган
оилалар томорка ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш
бўйича бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Наманган шаҳри -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Давлатобод туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод туманидаги кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – **400 000 000 (Тўрт юз миллион) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Давлатобод туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили: _____, Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод туман, Спортчилар кўчаси, 6-уй.

Эл.адрес: **207330609_650800021@uzex.uz**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);


-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.





“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Давлатобод туман бандликка
қумаклашиш ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш маркази

раҳбар Б. Турсунов

14 март 2022 й.

Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод туманидаги кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод туманидаги кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш.
2	Буюртмачи	Давлатобод туман бандликка қумаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.
3	Буюртма учун асос	Ишлаб чиқариш зарурияти.
4	Объектнинг жойлашган манзили	Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод тумани ҳудудлари.
5	Катнашувчи учун талаблар	Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Давлатобод туманидаги кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга зга бўлиши. Буюртма берилганда тез муддатда бажариш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан учун тахминан 400 000 000,00 (Тўрт юз миллион) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил январ ойидан 2022 йил 30 апрелгача.
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Бюджетдан ташқари маблағ.

АБКМ раҳбари:

Б. Турсунов

АБКМ ҳўжалик мудир:

М. Қоҳхорова

АБКМ меҳнат ҳуқуқ инспектори:

И. Саидов

АБКМ бош ҳисобчиси:

С. Санджарова

АБКМ меҳнат инспектори:

Н. Шоюсупова

АБКМ меҳнат инспектори:

И. Собиров